Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган | № 21 (65897) 1996 йил, 3 апрель, чоршанба | Сотувда эркин нархда

МАКТАБНОМА

Мен ҳам ёздим сизларга,
Мактабнома шеъримни.
Болалардан ҳеч қачон,
Аямадим меҳримни.

Сизлар каби мактабда,
Ўқиганман бир замон.
Ўқувчилик йилларим,
Ёдимда ҳали-ҳамон.

Ҳар кун мактаб қатнардим,
Меҳр қўйиб ўқишга.
Тонг туриб, кеч ётардим,
Ўқир эдим «тўрт», «беш»га.

Ҳозир ўқитувчиман,
Касбим ёқар ўзимга.
Ҳамма бола мактабда,
Қулоқ солар сўзимга.

Сизни севиб болалар,
Шеър ҳам ёзиб келаман.
Фикри-зикрингиз ўткир,
Шеър севасиз, биламан.

Ахлоқ одоби билан,
Интизом ва тартибда.
Яхши ўқувчи доим,
Ўрнак бўлар синфда.

Ўқувчи вазифасин,
Билмоқ керак энг аввал.
Ҳамма қийин ишларни,
Илм-ҳунар этар ҳал.

Ўқитансиз эртакда,
Ҳунардан унар деган.
Яхши одам ҳар доим,
Йўл топиб юрар деган.

Саодат ТОЖИ,
Қашқадарё вилояти,
Қамаши туманидаги 1-мактаб.

● Соғ юрак, тоғ юрак

ФУТБОЛ ЖОНУ ДИЛИМИЗ



Болалар майдончасидан шошиб кетиб бораётган Баҳодирнинг диққатини икки бола тортди. Уларнинг кичиги, малласоч, озғинигинаси яримта ғишт устида ўтирар, баъзан кўзларини ишқалар, афтидан йиғларди. Каттароғи бўлса унга нималарнидир куюниб тушунтирарди.

Баҳодир машғулотга шошаётгани туфайли йўлида давом этмоқчи бўлганди, кичкинтойнинг қўлида маҳкам қучоқлаб олган футбол тўпи уни бефарқ қолдирмади.

— Копток талашяпсизларми? — болаларни гапга солиш ниятида савол берди Баҳодир.

— Нега талашар эканмиз, ака! — норози оҳангда гапирди катта бола. — Укам дарвозани ҳимоя қилишни яхши кўради. «Дарвоза»ни бир кўринг, — у уч тўрт ғишт-тошлар териб қўйилган жойни ишора билан кўрсатди.— Тўпни тутиб қоламан деб нақд ана шу тошларнинг устига ўзини ташлайди. Қашқа бўлмаган жойи қолмади. Ўртоқларини ҳайдаб юбордим. Шунга йиғлаяпти.

— Ўртоқларинг нечта?— сўради Баҳодир йиғлаётган боладан.

— Бешта, — дарҳол юпаниб жавоб берди «футболчи».

— Унда эртага роппароса соат учда мактабимиз эшиги олдида сени кутаман.

Баҳодирнинг ака-укаларга бундай гап айтишининг боиси бор эди. Чунки у таълим оладиган пойтахтимиздаги Фаттоҳ Умаров номли мактабда спорт ишлари намунали олиб борилади. Айниқса футбол секциясида ўқувчилар кўпчиликни ташкил этади. Унга спортни, айниқса футболга қизиқувчи болаларни жон-дилдан севувчи устоз Шуҳрат ака Камолов раҳбарлик қилади. У киши ёш спортчилардан ҳеч қачон маслаҳатларини аямайди, улар билан биргаликда қайта-қайта машғулот ўтказишдан чарчамайди.

— Мабодо олти ёшда бўлса ҳам спортга қизиқса олиб келавер, ахир улардан ҳам бир кун келиб яхши ўйинчи чиқиши мумкин, — дейди устоз Баҳодирнинг гапларига жавобан.

Айтгандай, бу ерга Ўзбекистон жисмоний тарбия федерациясининг аъзоси, «Шайхонтоҳур» футбол командаси ўйинчиси Носир ака Раҳмонов ҳам тез-тез келиб туради. У киши болалардан ўз маслаҳатларини аямайди. Жарима майдонидан тўпни қандай ташлаш, ўйин вақтида коптокни шеригига қандай ошириш, дарвоза ҳимоясида қанақа чаққонлик кўрсатиш ва бошқалар ҳақида машҳур ўйинчилар тажрибаларидан гапириб беради.

Ана шунақа. Эндигина атак¾чечак қила бошлаган боладан тортиб, катталаргача — ҳамма спортни, футболни ёқтиради. Шундай экан, Ўзбекистонимиздан ҳам кўплаб моҳир тўп сурувчилар етишиб чиқади.

Т. АҲМЕДОВА.

Суратларда: 1. Тренер Шуҳрат ака Камолов ёш футболчилар билан 2. Тўгаракнинг моҳир тўп сурувчилари Абдуазим Собиров билан Баҳодир Жўраев. 3. Копток билан мана шундай «муомала» қилиш керак.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Таълимда янги йўналишлар

Жўра Йўлдошев,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири

Бугунги кунда мактабларимизда нима гап? Тарбия, таълим, истиқлол, бозор, муаммолар... Бу тушунчалар замирида мактаб ҳаётига доир нималар бор? «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳаётга тадбиқ этишда қандай сифат ўзгаришлари рўй берди? Ўқувчи ва ўқитувчиларни бугунги кунда нималар қизиқтиради?

Махсус мухбиримиз Ашурали АҲМЕДОВ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ҳурматли Жўра Йўлдошев билан учрашиб, шу ҳақда суҳбатлашди. Савол ва жавоблар болалар билан бирга, айниқса, ўсмирлар дилидаги долзарб масалалардан ташкил топган.

МУХБИР: — Ҳурматли Жўра Ғаниевич! Республикамиз истиқлоли туфайли таълимда қандай янги, илғор йўналишлар юзага келди?

ЖЎРА ҒАНИЕВИЧ: — Бу ҳақда узоқ ва кўп гапириш мумкин. Мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан, халқ таълими тизимларида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг маъноси шуки, барча соҳада, шу жумладан ўқув-тарбия ишларида ҳам истиқлол нуқтаи назаридан туриб миллий ҳамда жаҳон илғор педагогикасидаги барча ибратли ва илғор тажрибаларни ўрганиш, ўзлаштириш, ўзимизда тадбиқ қилиш демакдир. Тарбия иши эса ўзимизнинг миллий анъаналар, қадриятлар асосида қурилади.

Яқинда Республикамиз ўз истиқлолининг 5 йиллигини нишонлайди. Айтиш мумкинки, ўтган шу муддат ичида таълимда кўпгина янги ва ижобий йўналишлар пайдо бўлди. Бошқача қилиб айтганда, вазирлигимизнинг бутун фаолияти келажагимизнинг ворислари бўлган ўғил-қизларимизнинг таълим-тарбиясини муносиб таъминлаш, мустақиллик шарофати билан тарихимизда биринчи марта қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун талабаларини изчиллик билан амалга оширишга қаратилди.

Вазирлик ўз фаолиятида нималарга эришди?

Ўқувчиларни мактаб босқичига тайёрлаш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқди ва амалга оширишга киришди, бу вазифанинг дастури, тавсиялари ишлаб чиқилди, унинг бажариш муддати ва тартиби ишланиб, кичкинтойларни мактаб босқичига тайёрлаш, боғчаларда умумий таълим мактабларида, маҳалла гузарларида амалга оширилди. Республика Телевидениеси билан ҳамкорликда ота-оналарга «Бола бошидан», «Болангиз мактабга тайёрми?» рукнлари остида зарурий тавсиялар ва маслаҳатлар бериб бориш йўлга қўйилди. Бундай тадбирлардан мақсад болаларни 5—6 ёшдан ўқиш, ёзишга ўргатиш, мактабда «Алифбо» даври учун сарфланадиган вақт ичида мураккаброқ билимларни ўргатишни йўлга қўйиш, шу асосда болаларнинг 6—7 ёшлигиданоқ таълимнинг фан босқичларига олиб кириш эди. Биз бу ишни бундан кейин ҳам сабот билан амалга ошираверамиз. Токи у бугунги кун таълим муассасасининг ҳаёт тарзига айлансин.

Ишимизда яна бир йўналиш шу бўлдики, юқорида айтилганидек, педагогика фани Республика мустақиллигини, унинг миллий, умуминсоний қадриятларини ҳисобга олган ҳолда эски ўзанларига — ўзбек мумтоз ҳамда халқ педагогикасига дадиллик билан олиб кирилди. Дарсликлар ва дастурлардан ўзбек ва Марказий Осиёда яшаб ижод этган алломаларнинг фанларнинг турли соҳаларини ривожлантиришга қўшган илмий меросларига, маҳаллий аҳамиятга молик билимларни эгаллашга кенг ўрин берилди. Шу асосда дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар ҳам қайта тузиб чиқилмоқда.

Навбатдаги йўналиш дарслик ва қўлланмаларда миллийлик ва истиқлол руҳини акс эттиришдир. Шу мақсадда 28 фандан 164 номдаги дарсликларни қайта ишлаб чоп этиш режалаштирилган бўлса, ҳозирда 135 номдаги дарслик, 29 та қўлланма қайта ишланиб ўқитилмоқда. Шулардан 69 дарслик, 10 қўлланма боқийи чиқарилди. Шу дастурни амалга ошириш давом эттирилиб, режага мувофиқ 5—7 синфлар учун «Жаҳон тарихи», 10—11 синфлар учун «Умумий биология», 5-синфлар учун «Тиббиёт», 8-синф учун «Химия», 5-синф учун «Математика» ва бошқа янги дарсликлар чоп этилди, 31 номдаги янгиланган дарсликларнинг қўлёзмалари нашр этиш учун «Ўқитувчи» нашриётига юборилди. Айнан шу дарсликлар қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ўқувчилар учун уларнинг тилига таржима қилинади ва чоп этилади.

Ишимиздаги яна бир янги йўналиш янги типдаги ўқув муассасалари — лицейлар, гимназиялар, коллежларнинг мамлакатимизда кенг тармоғини барпо этишдир.

Агар 1994 йилда 56 гимназия, 64 лицей ишлаган бўлса, 1995 йилда лицейлар сони 126 тага, гимназиялар сони эса 77 тага етказилди. Улардаги ўқувчилар сони 53 мингдан 91326 тага кўпайди.

Ўқувчилар билимини аниқлаш, баҳолаш ишларида ҳам янги-янги шакл ва услублар яратилмоқда. Масалан, таълим муассасаларида ўқувчилар билимини рейтинг асосида белгилаш жорий этилди, бундай синовларни чорак, ярим йил ва ўқув йили якуни бўйича ўтказиш, диагностик таҳлил қилиш, амалий хулосалар ясаш, прогноз қилиш, таълим муассасалари амалиётидан пухта ўрин олиш таъминланди. Хуллас, янгиликлар кўп ва хилма-хилдир. Улар болалар боғчалари, мактаблар, мактабдан ва синфдан ташқари муассасалар фаолиятининг барча соҳаларида олиб борилмоқда.

Фақат менинг ёш ўқувчиларим бир нарсани англашлари керакки, таълимдаги янгилик, ислоҳот тўғридан-тўғри амалга оширила борилмайди. Уни тавсия этиш жараёнигача қанча-қанча тажрибалар, синовлар, таҳлиллар, кенгашлар, муҳокамалар ўтказилади. Улар самара беришига тўла ишонилгач, амалга ошириш учун таълим муассасаларига тавсия этилади. Болаларга пухта билим бериш манфаатлари ана шуларни тақозо этади.

МУХБИР: — Мактаб ислоҳотидаги муҳим йўналишлар, сифат ўзгаришларига ҳам таъсир этади. Шу хусусдаги фикрингиз қандай?

Ж.Ғ.ЙЎЛДОШЕВ: — Саволингиз юқорида баён этилган фикрларимизнинг узвий давоми десак ҳам бўлади. Бугунги мактаб ўқувчини техник воситалар билан, айниқса замонавий компьютерлар билан, таъминлаш билан аввалгиларидан кескин фарқ қилади. Бошқача қилиб айтганда, бугунги умумий таълим мактабларида ўқитилаётган предметлар аввалгиларига нисбатан мураккабдир. Шу туфайли ҳам биз ҳозирги замон ўқувчилари зиммасига юкланаётган «юк» уларнинг жисмоний, ақлий, руҳий жиҳатларига салбий таъсир ўтказмаяптимикин, деган савол туғилади. Ҳозир биз бу муаммони тадқиқ қилиб илмий хулосалар бериш устида қаттиқ ишлаяпмиз. Энди таълимдаги сифат ўзгаришларига келсак, улар сезиларли, улар анчагина. Сизларга тушунарли бўлиши учун биргина мисол келтираман. А.Навоий номли нафис санъат мактаби битирувчиларининг олий ўқув юртларига киришини таҳлил этсак, 1994 йили битирган 64 ўқувчидан 62 таси, 1995 йилда битирган 75 ўқувчининг барчаси олий ўқув юртларига кириш тест имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, энг юқори баллар билан талабаликка қабул қилиндилар. Бундай мисолларни ҳар бир вилоят, ҳар бир шаҳар умумий таълим муассасалари ҳаётидан келтириш мумкин.

МУХБИР: — Мактабларда иқтисодий билимлар ўргатилмоқда. Унинг мақсад ва вазифалари ҳақида гапириб берсангиз?

Ж.Ғ.ЙЎЛДОШЕВ: — Иқтисод илмини бугун ҳамма ўрганиши, ҳар куни ўрганиши керак. Чунки у давримизнинг энг долзарб мавзуси. Кундалик турмуш бизнинг ва болаларимизнинг олдига ҳар куни ҳар дақиқа иқтисодий муаммоларни қўймоқда. Ўқувчиларга иқтисодий билимларни берсаккина уларга иқтисодий муаммоларга ечим топишни ўргатамиз.

Ўқувчиларга иқтисодий билим асосларини ўргатиш эҳтиёжи аслида Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлариданоқ туғила бошлаган. Биз болалар боғчаларида, бошланғич синфларда, таянч мактабларда ва X— XI синфларда бу билимларни ўқувчиларнинг ёш хусусияти ва ҳаётий эҳтиёжига қараб табақалаштириб амалга оширмоқдамиз. Масалан, болалар боғчаларида иқтисодий мазмундаги ўйинлар, бошланғич синфларда «иқтисод алифбоси» таянч бўғинда «иқтисод сабоқлари» ўрта бўғинда эса иқтисодий билим асослари ўргатилмоқда. Иқтисодий билимларни ўргатиш тарих, инсон ва жамият предметлари тартибига ҳам киритилган. Ҳозирги кунда иқтисод йўналишидаги лицейлар, гимназиялар бу билимларни чуқурлаштириб ўргатиладиган синфлар ташкил этилмоқда, «Узлуксиз иқтисодий таълим» концепцияси лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди.

Боғчаларда 3—5 ёшли болаларга уларни мантиқий математик тасаввурларини, тушунчаларини кенгайтириш, чуқурлаштириш орқали иқтисодий тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мактабларнинг бошланғич синфларида эса иқтисод алифбоси махсус фанлар орқали амалга оширилмоқда. Элементар иқтисодий тушунчалар кейинчалик тармоқ, соҳалар (5-синф ўқувчилари учун) иқтисодига кўра мураккаблаштирилмоқда. 10—11 синф ўқувчилари танлаган касбларига кўра иқтисодни ўрганадилар.

Иқтисодий билим кўникмаларини ўқувчилар иштирок этаётган иқтисодий муносабатларда малакага айлантириш, иқтисодий тафаккурни, ечими турлича бўлган иқтисодий вазиятларни ҳал этишга ўргатиш орқали амалга ошириляпти.

Бугун болаларимизга тежамкорлик, асраб-авайлаш, давлат, халқ, шахсий мулкка онгли муносабатда бўлиш, режали ишлашни ўргатиш, арзоннинг ҳикмати қимматнинг оқибати сифат ва самарадорликни уқдирмасдан молнинг сифатини тўғри белгилаш, нарх-навода баҳслашиш ҳиссини тарбияламас эканмиз, эртага кеч бўлади. Дарвоқе, бу энди барча болалар савдо-сотиққа ўзини уриш керак, дегани эмас. Болалар, сизлар ҳалол ишлаб топиш, тижоратдан чайқовчиликнинг фарқини ажратиш, оила бюджетига ҳалол ҳисса қўшишни ўрганиб олишингиз керак. Бу ишда сизга иқтисод дарслари ёрдам беради. Уни севиб ўрганинг.

МУХБИР: — Сиз хорижий мамлакатларда кўп бўлгансиз. Вазирликнинг таълим бўйича хорижий мамлакатлари билан алоқалари хусусида маълумот берсангиз.

Ж.Ғ.ЙЎЛДОШЕВ: — Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро обрўси ошди. Бунга Президентимиз И.А.Каримовнинг ғайрат ва шижоат билан амалга ошираётган ташқи сиёсати сабаб бўлмоқда. Ҳозир шундай бир вазият юзага келдики, ҳар бир тармоқ чет эллардаги ўз ҳамкасблари билан эркин алоқалар ўрнатишга имконият яратилди. Бундай имкониятдан халқ таълими муассасалари ҳам унумли фойдаланиб, ўзларининг халқаро алоқаларини кун сайин ривожлантирмоқдалар. Назаримда, бу мавзуни баён қилишни чет тилларни ўрганишнинг ўта муҳим эканлигидан бошламоқ керак. Бунинг учун Республикамиз мактабларида тўла имконият ва шарт-шароит яратилган. Модомики, бугун ёшу-қари, каттаю кичик чет тилларидан бирини ўрганиб олишга интилаётган эканлар, бизнинг ўқувчиларимиз ўз мамлакатларида бу соҳада яратиб берилган шарт-шароитдан унумли фойдаланиб, чет тилларини пухта эгаллашлари зарур.

Республикамизда болаларни илк ёшданоқ чет тилига ўргатиш тажрибадан амалиётга кўчирилди. Ҳозирда мамлакатнинг 200 дан ортиқ болалар боғчаларида 5—6 ёшли болалар инглиз, немис, француз ва бошқа хорижий тилларни ўрганмоқдалар.

АҚШнинг АКСЕЛС жамияти билан ҳамкорликда ўзбек мактабларининг ўқувчилари махсус танловдан кейин АҚШга бир йил муддат билан ўқишга юборилмоқда. Улар бу мамлакат мактабларида АҚШ ўқувчилари билан ёнма-ён ўқимоқдалар.

Биргина ўтган йили 541 киши чет мамлакатларда бўлиб қайтди. Улардан 326 таси умумий таълим мактабларининг ўқувчилари, 136 ўқитувчилар, 70 таси халқ таълими бошқарув муассасаларининг ходимлари эди. Бундан ташқари 39 халқ таълими ходими таълим бўйича турли халқаро симпозиумларда қатнашдилар.

Ўзбекистоннинг Германия билан таълим соҳасидаги ҳамкорлиги тобора ривожланиб бормоқда.

Вазирлик, анчадан буён АҚШнинг Тинчлик корпуси билан таълим бўйича ҳамкорлик қилмоқда. Бу ташкилот йўлланмаси билан Ўзбекистон мактабларида ишлаш учун АҚШдан ўқитувчилар келмоқда. Улар айни пайтда ўзбек тилини ҳам ўрганмоқдалар.

Чет мамлакатларнинг Тошкентдаги элчихоналари, АҚШнинг тинчлик корпуси, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг Республикамиздаги ваколатхоналари билан ҳам узвий алоқалар ўрнатганмиз. Айни пайтда чет эллардаги бизга мақбул бўлган илғор педагогик ғояларни ўзлаштириб, ўз иш жараёнимизга тадбиқ этмоқдамиз.

Мен чуқур ишонаманки, чет эл билан фаол ҳамкорлик таълим учун катта наф келтиради. Буни мана тўрт йиллик ҳамкорлик давомида синовдан ўтказдик. Шу туфайли ҳам биз хорижий мамлакатлар билан алоқалар ва ҳамкорликни янада кенгайтириш йўлидамиз. Шарқ мамлакатларидан Хитой, Корея, Япония, Яқин шарқ мамлакатларидан Эрон, Исроил, Ғарбий Европа давлатларидан Голландия, Англия, Дания каби мамлакатлар билан ҳамкорлигимиз катта истиқболларга эга. Биз уларда нима ибратли бўлса, болаларимизнинг ўқимишли, юксак маърифий маданият соҳиби, ҳозирги замон техник, технологик жараёнларнинг халқаро стандартлари асосида юксак билимдон этиб тарбиялаш манфаатлари йўлида тобора мукаммалроқ ўзлаштиришга ҳаракат қиламиз. Фақат азиз ўқувчилар, сизлар бир нарсани билишингиз керакки, хориж билан таълим бўйича алоқалар ўрнатиш фақат Республикамиз мустақил бўлганидан кейингина мумкин бўлиб қолди. Болажонларимизга бу соҳада яна айтадиган гапим шуки, фақат олис хориж билан алоқаларга киришиб кетиб асрлар оша биз билан ёнма-ён яшаб, ота-боболаримиз билан аччиқ-чучукни бирга тотган қирғиз, қозоқ, тожик, туркман, рус биродарларимиз билан ҳамкорликни ҳеч сусайтирмаслик лозим. Улар билан доимо тажриба алмашиб, дўстлик, биродарлик, байналмилалчилик алоқаларини янада ривожлантиришимиз зарур.



МУХБИР: — Ҳозирги шароитда бола ва бозор муаммоси юзага келди. Оилада ва мактабда «бозор боласи» деган ибора пайдо бўлиб қолди. Шу ҳақда ўз мулоҳазаларингизни баён қилсангиз...

Ж.Ғ.ЙЎЛДОШЕВ: — Албатта, болаларимиз бозорни, нарх-навони, сифатини таннархни, бозор билан боғлиқ бошқа тушунчаларни билишларига қарши эмасмиз. Бундан ташқари ҳозирги пайтда озми-кўпми болалар бозор, савдо-сотиққа ўрганиб боряптилар. Аслида болалар ҳалол савдо-сотиқ ишларига ўргансалар фойдадан холи бўлмас, лекин чайқовчиликни эмас. Улар бўш вақтларида катталар назоратида савдо-сотиқни ўрганишлари мумкин. Чунки қадим замонларда ҳам ота-боболаримиз болани ҳунарга, меҳнат қилишга, ўз меҳнат маҳсулотларини бозорда сотишга ўргатишган. Болаларга бозорни, нарх-навони ўргатмай, уларни бозордан ажратиб қўйган пайтларимиз ҳам бўлди. Оқибат эса кўнгилдагидек бўлмади. Болани бозорга ўргатишимиз керак. Фақат ҳалол бозорга, диёнатли бозорга, инсоф ва адолатли бозорга ўргатишимиз лозим. Бола биринчи галда оиладаги ўз бурчини виждонан бажариши, яхши ва намунали ўқиши, ростгўй, интизомли, ҳалол бўлиши, кейин бўш вақтида уй юмушларида, шу жумладан, бозорўчарда ота-онасига ёрдамлашуви керак.

Энди сиз айтган «бозор боласи» иборасига келсак, улар ҳақиқатан ҳам бор. Айрим ота-оналар тижоратни чайқовчиликдан ажрата олмай, боласига қандай йўл билан бўлса ҳам «пул топ» қабилидаги талаблар қўйиши, ҳатто баъзида «Фалончининг боласи жарақ-жарақ пул топиб, ота-онасига у қиляпти, бу қиляпти, сен эса...» каби таъналии гаплар айтилади. Бундай ҳолатларда мактаб жамоалари вазиятни теран англаб, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда шундай ота-оналарга педагогик таъсир ўтказишлари, болани ҳимоя қилишлари керак.

Болани оила бюджетига ҳисса қўшишини ҳеч ким қораламайди. Лекин болалар бўш вақтида яхши ҳунарманд усталарга шогирд бўлишлари, шу асосда ўз ҳунармандчилик маҳсулотларини сотишлари, кичик ишлаб чиқариш фирмаларида қўлидан келадиган ишларда ёрдамлашиб пул топишлари, ўзига ва одамларга нафи тегадиган фаолият билан шуғулланишлари ҳам мумкинку?!

МУХБИР: — Кейинги йилларда Республикада иқтидорли болалар слётларини ўтказиш анъанага айланди. Бу слётларнинг моҳияти нимадан иборат?

Ж.Ғ.ЙЎЛДОШЕВ: — Иқтидорли болалар элнинг умиди, фахр ва ифтихоридир. Биз педагоглар ана шундай болаларда иқтидорни сезгирлик билан илғаб олишимиз, асраб-авайлаб, ҳар томонлама такомиллаштириб, унинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришга ғамхўрлик қилишимиз керак. Иқтидорли болалар слёти шу йўналишда амалга оширилаётган тадбирларимиздан биридир. 27 март куни Республикамизда бешинчи марта ана шундай слёт бўлиб ўтди, кўплаб иқтидорли истеъдодлар аниқланди.

Шу куни Республикамизнинг турли бурчакларидан келган иқтидор ва истеъдод соҳиблари бўлган болалар тўпландилар, фан, маданият, санъат, халқ амалий ҳунармандчилиги жанрларида баҳслашдилар, қобилиятларини намойиш этдилар, тенгдошлари ижодлари билан танишдилар, дўстлашдилар ва албатта, мусобақалашдилар. Биз эса ўз навбатида ёш иқтидор соҳибларининг камолотлари қандай усаётганлиги, истеъдодни аниқлаш, тарбиялаш, уни қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлдик. Иқтидорли ўқувчилар слётининг асосий моҳияти ана шулардан иборат. Бу масалада яна бир фикр шуки, ушбу слётга қўшни Республикаларда ҳам қизиқиш катта бўлди. Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон Республикаларидан унга иштирок этишга рухсат сўралган мактублар олдик...

МУХБИР: — Мактабда ва синфдан ташқари муассасалар фаолияти тўғрисида қандай фикрдасиз?

Ж.Ғ.ЙЎЛДОШЕВ: — Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида 602 та мактабдан ва синфдан ташқари муассасалар мавжуд бўлиб, улар орқали минглаб ўқувчи қамраб олинган.

Мамлакатимиз мустақиллиги, бозор иқтисодиёти муносабати билан бўлаётган кескин ўзгаришлар мактабдан ва синфдан ташқари муассасалардаги тўгараклар ва машғулотлар турига ҳам ўзгаришлар киритилмоқда. Айниқса компьютер техникасини, хорижий тилларни, иқтисодий билимларни ўргатувчи ёш иқтисодчи, ёш тадбиркор, ёш ижодкорлар тўгаракларга ва курсларга талабгорлар сони кескин ошди. Шу туфайли мактабдан ва синфдан ташқари муассасалар илмий, ижодий идоралар, олий ўқув юртлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқдалар.

Республика ўқувчилар саройининг Ўзбекистон Фанлар Академияси билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Стоматология, кибернетика, химия-биология, астрономия олийгоҳлари қошида тўгараклар очилган бўлиб, бу тўгаракларда олимлар иқтидорли болалар билан машғулотлар олиб бормоқдалар. Сарой қошида «Ёш иқтисодчилар», «Мантиқий ва сунъий фикрлаш», «ЭҲМ», «Ёш математиклар», шунингдек бир қатор миллий ҳунармандчилик тўгаракалари фаолият кўрсатмоқда.

Бундай тўгараклар Самарқанддаги ёш техниклар ижодиёти маркази, Фарғона вилоятидаги Қирғули, Олтиариқ, Жиззах вилоятининг Пахтакор, Хоразм вилояти, Хива туманидаги ёш табиатшунослар маркази бозор иқтисодиётини назарга олган ҳолда тўгараклар ташкил қилинган. Болалар қўли билан қилинган ишлардан тушаётган маблағлар болалар муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга сарфланмоқда.

Мактабдан ташқари муассасалар бу ихтиёрий ташкилот. Билингки, қаерда тўгарак машғулотлари кўнгилдагидек олиб борилмаса, талаб даражасида бўлмаса, болалар бундай тўгаракларга иштиёқ билан қатнашмайдилар.

МУХБИР: — Янги дарсликлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берсангиз...

Ж.Ғ.ЙЎЛДОШЕВ: — Республикамиз мустақиллиги, «Таълим тўғрисида»ги Қонун талабларини бекаму-кўст бажариш, таълим олдига қўйилган ҳозирги замон талабларини тўла амалга ошириш ишлари кўп жиҳатдан яратилган дарслик, дастур, қўлланмаларнинг мукаммаллигига боғлиқ. Вазирлик бу масалага катта масъулият билан ёндошмоқда.

1993—1995 йиллар мобайнида 74 та тубдан янгиланган дарсликлар яратилиб, чоп этилди. Айни шу дарсликларнинг 12 номдагиси қиёсийдир.

Ҳозирда лойиҳа шаклидаги концепция, давлат таълим стандартларини такомилига етказиш, оригинал дастур ва дарсликлар мажмуасини яратишга оид ишлар давом эттирилмоқда. Энг муҳими шундаки, яратилган янги дастур ва дарсликларнинг Ўзбекистонимизнинг истиқлолига, унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётига хос ва мос бўлишига, истиқлол ғоялари ва миллий мафкура теран акс этишига, ўқувчиларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, миллий қадриятларга меҳр-муҳаббат ҳис -туйғуларини акс этишига алоҳида эътибор қилинмоқда. Хусусан, лотин алфавити асосида тузилган янги ўзбек алифбосидаги 1-синфлар учун яратилган ўқув комплекси шулар жумласидандир.

Шунингдек, қисқа вақт ичида адабиёт, она тили, тарих, география, биология, анатомия, одобнома, ҳуқуқшунослик фанлари бўйича оригинал дарсликлар яратилди. Мазкур дарсликлар Республикамизнинг забардаст олимлари, етакчи методист ва ўқитувчиларнинг куч-ғайрати натижасидир. Зотан, чоп этилган ушбу ўқув адабиётларида айрим камчиликларнинг борлиги маълум бўлиб, айни пайтда улар синчиклаб ўрганилиб, қайта ишланиб, нашрга тавсия этилмоқда.

МУХБИР: — Давримиз ютуқларни ҳам, камчиликларни ҳам очиқ эътироф этишни талаб этмоқда. Муаммолар хусусида сўзлаб берсангиз.

Ж.Ғ.ЙЎЛДОШЕВ: — Муаммолар, муаммолар улар анчагина. Энг аввало мактаб боғчалари қурилиши суст кетаётганлиги, болаларни икки сменада ўқитилаётган мактаблар сонини кескин қисқармаётганлиги катта муаммо бўлиб турибти. Яқинда Республика ҳукуматининг қарори билан барча қишлоқ мактаблари тўла инвентаризация қилинди. Бу тадбирни амалга оширишдан мақсад яқин йиллар ичида авария ҳолатидаги мактаб биноларини янгитдан қуриш, қурилиши тугалланмаган таълим муассасалари биноларини қуриб битириш, шу асосда қишлоқ мактаблари моддий негизини яхшилашга эришишдир.

Бундан ташқари таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларни дарслик билан таъминлашда ҳам маълум қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Ўқувнинг техник воситалар айниқса компьютерлар билан таъминлашда муаммолар бор. Хуллас, камчилик ва нуқсонларни бартараф қилмоқ учун режаларимиз, тадбирларимиз, энг асосийси имкониятимиз бор. Биз уларни оғишмай амалга оширамиз.

МУХБИР: — Газетхонларга тилакларингиз?

Ж.Ғ.ЙЎЛДОШЕВ: — Газетхонларимиз — ўқувчиларимиздир. Ҳар қандай ота ўз фарзандининг камолотини кўзлагандай мен ҳам ўғил-қизларимизни зукко, зийрак, билимли, меҳнатсевар, одоб-ахлоқли, Республикамизнинг ҳақиқий ватанпарварлари бўлиб вояга етишларини истайман ва шу йўлда уларга улкан ютуқлар тилайман.

МУХБИР: — Яхши тилакларингиз, саволларимизга батафсил жавоб бериш учун вақт, имконият ажратганингиз учун газетамиз ижодий жамоаси ва кўп сонли газетхонларимиз номидан Сизга миннатдорчилик билдираман.



● Шоирлар болаларга

Николай КРАСИЛЬНИКОВ

ҲАЙРОН ҚОЛДИРДИМ

Ёз келганда бизнинг қишлоққа
Бир қиз келди, меҳмон бўлмоққа.
Унинг исми Света экан,
Сочи узун, тақимга теккан.
Қолдирай деб уни ҳайрон, лол,
Қулим билан юрдим бемалол.
Света ҳеч бўлмади ҳайрон.
Мен тиришиб чин кўнглим билан,
Сувда суздим бир қулим билан.
Бошқаларнинг нигоҳин сездим,
Тунукани қоғоздек эздим.
Сунг қуш каби отилдим кўкка,
Ерга тушдим юксакдан тикка.
Света ҳеч бўлмади ҳайрон.
Чарчадимму ўзимни койиб,
Қўлга олдим игна билан ип.
Ултирганча жиддий ҳамда жим,
Куйлагимга тугма қададим.
Шунда бўлиб Света пайдо,
Бу ишимга булгандек шайдо.
Тикилганча, деди шу замон:
— Бу ишингга ҳайронман, ҳайрон!

ЧОЙХЎРЛИК

Чойхўрликка қанду қурс,
Мураббо яхши.
Тешик кулча, ширин нон
Ва холво яхши.
Чойхўрлик жуда маза,
Хўп яхши ўртоқ.
Дўстсиз чойхўрлик қилмоқ,
Ёмондир бироқ.

Русчадан Азиз АБДУРАЗЗОҚ таржимаси.

БАРЧАГА ТАНИШ ОВОЗ

«Таниқли кино юлдузларига овоз бериш — янги образ яратишдан маълум ўринларда ундан ҳам машаққатли ва масъулиятлироқдир», — дейди таниқли дубляж устаси Мукамбар опа Раҳимова.

ХАВОТИРЛАНМАНГ, ОЙИЖОН!

— Мукамбарой, қизим, қизалоғим! Наҳотки сендан умидим шу бўлса?! Ахир бизнинг оиламиз тугул, етти пуштимизда ҳам «артиспартис» чиқмаган. Бобокалонларимизу она авлодимиз тақводор кишилар ўтган бўлса!..

Онаизор бу гапларни айтар экан, киприкларини нам қоплаганди.

Мукамбарой онажонисиниг бунчалик ҳаяжонланиб кетишини сира кутмаганди. Ахир шу онажони эмасми «Уқи қизим, шифокор бўл, мен ўқимадим, сизлар ўқинглар, болаларим шифокор бўлиш учун тил билиш зарур, — дея уни Чапаев номидаги 42-русийзабон мактабига берган? Энди бўлса?.. Нима қилиш керак?

— Кўп куюнма онаси, болаликда одам ҳар нарсани орзу қилиб, уриниб кўради. Бир мартагина радиода гапирди, дегани артист бўлиб кетди, дегани эмаску, — онани тинчлантиришга ҳаракат қилди ҳарбий мутахассис бўлган ота ҳам.

Бироқ бу қизиқиш ўткинчи ҳавас эмаслигини ҳатто Мукамбаройнинг ўзи ҳам тугал билмасди.

— Биз ўша вақтларда Максим Горький номи билан аталувчи маҳаллада яшардик, — хотирлайди актриса. — У Эски шаҳар ўртасида жойлашганди. Бир ёнимиз Пушкин номидаги истироҳат боғи, униг этагида ТЮЗ театри, бир ёнимиз Ҳамза»номидаги театр, Ҳадрада эса «Родина» кинотеатри. Ва ниҳоят маҳалламиз этагида «Ватан» деб аталмиш ёзги кинотеатр бўларди. Деярли ҳар куни бу санъат масканларида бўлиб, томоша кўриб, уларда банд бўлган санъаткорларга нисбатан ҳавас пайдо бўлган, уларга ўхшаб роллар ижро этиш орзуси уйғонган эди. Бу иштиёқ турли тўгаракларга қатнашишга, санъат сирларини ўрганишга чорлади.

Мукамбаройинг ота томонидан буваси Миррайимҳожи етти марта ҳаж қилган тақводор, она томонидан бувилари ҳам катта отинлар бўлиб, унинг волидаи муҳтарамаси ҳам дини ислом йўлида тарбияланган аёл эди. Можаронинг сабаби эса ўша куни у биринчи бор кино дубляжида иштирок этиб келган ва дарҳол уйдагилардан «суюнчи» олмоқчи бўлган эди.

Орадан бир оз вақт ўтиб Мукамбарой бир неча киноларда овоз беришга муваффақ бўлган эса-да, қизалоғининг артист бўлишига она ҳамон қаршилик қиларди.

Кунларнинг бирида етук санъаткорлар Борий Ҳайдаров, Виктор Кутюков, Собир Искандаров, София Имонқулова бу хонадонга кириб келишди. Кичик санъаткор оиласидагилар билан узоқ суҳбатлашишди, Ниҳоят: «Санъат фақат эзгуликка ундайди, ундан озиқлана олган инсонлардан сира ёмонлик чиқмайди, қолаверса, бу йўлга кирганларнинг ҳаммаси ҳам артист бўлиб кетавермайди, шифокор, инженер, ўқитувчи бўлганлар қанча?» дея насиҳатларини якунлашди.

Кейинчалик ҳам бу устозлар одамийлик, сабр-қаноат, меҳр-оқибат, касбга садоқат, одоб тўғрисида жуда кўп суҳбатлар олиб боришди. Охири қизалоқнинг актриса бўлишига рухсат олиб беришди.

«УНВОНЛАРИ ЙЎҚ БЎЛСА ҲАМ...»

— Сизни Ҳамза ака ёқлаяптилар!

Бу сўзлардан нафақат унинг шогирди Мукамбаройнинг, ҳатто унча-мунча иш кўрсатиб қўйган ундан каттароқ «ёш»ларнинг ҳам юраги бир ҳаприқиб тушарди. Йўқ, йўқ, бу қўрқувдан эмас, ҳақиқий халқ артистига бўлган чуқур ҳурмат, эъзоз ва самимий муҳаббат туфайли эди. «У кишининг менга нисбатан чуқур меҳрлари, ишончлари бор эди», — эслайди Мукамбар опа Раҳимова. «Баъзан зарур бўлса дўқ-пўписа қилиб, уришиб ургатган вақтлари ҳам бўлган», — «Хафа бўлма, сен одам бўласан, фақат қўрқма ва танбеҳларимдан аччиғланма, келажагингга ишонаман», — дер эдилар.

Ўша вақтда устозлар Сора Эшонтўраева, Олим Хўжаевдан тортиб Яйра Абдуллаева, Ёқуб Аҳмедов, Обид Юнусов, Рихсихон Иброҳимова, режиссёр Миргиёс Соатов энг мураккаб ролларни ҳам «қўрқаман» дейишга қарамай унга ишониб топширишганди.

«Собит акани, Собир отани, Илёс акани, Миргиёс акани, София Имонқулова, Эсон Каримов, Қобил Ҳолиқов, Борий Ҳайдаровни балки киномухлисларнинг ҳаммаси ҳам яхши билмас, уларнинг барини ҳам унвонлари йўқ. Лекин улар унвон эмас, санъат равнақи учун сидқидилдан меҳнат қилишган, жаҳон киноюлдузларини она тилимизда сўзлатган фидойи инсонлар, мен уларни ҳеч қачон унутмайман. Чунки мени Мукамбар қилган устозлар, шулар», — дейди санъаткор.

КИНО, КИНО, СЕҲРЛИ ОЛАМ

1964 йилнинг ёзи. Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини янги битирган Мукамбар Раҳимова отахон театр — «Ҳамза»га дурдоналарини ўз халқингга унинг ўз она тилида таништирасан, ҳаммага таниш киноюлдузларни ўз овозинг жилоси билан бойитасан, бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган бахт», деб уқтирардилар. «Бадиий фильмларда асосан кичик, эпизодик роллар ижро этдим. Катта-катта таклифлардан воз кечишга тўғи келарди, Сабаби, биринчидан, дубляж ишига муҳаббатим, студиядан ташқарига беш-олти кунга бориб келарверишга вақтим бўлмасди, иккинчидан, оила ташвишлари, фарзандлар тарбияси, уларни неча кунлаб ташлаб кетишга юрагим дош бермасди».

Санъатга муҳаббат М. Раҳимовани яна бошқатдан Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг режиссёрлик факультетига етаклади. Кундузги ўқиш, оила, иш, фарзандлар тарбияси унинг елкасида. Булардан ташқари радио эшиттиришлари, телевидение кўрсатувларида жуда машҳур эди. Кунига 1-2 соатгина ухлашга вақти буларди, холос.

Уқишни битиргач, Фарғона, Жиззах театрларида яхшигина спектакллар қўйди, театр соҳасида эълон қилинган танловларда совриндор бўлди.

* * *

— «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг», «Иван Васильевич касбини ўзгартиради», «Ишдаги ишқ» фильмларини ўзбек тилида қўйилсагина маза қилиб томоша қиламан. Бу — рус тилини билмаганлиимдан эмас асло, «Бойвуччадан омонлик сўра, муртад», «Кимнинг қаролисан?», «Кошонанг торроқ эканми, бойвачча?» «Зиндонбанд этишди» сингари сўзларни севимли артистларимиз овозида, талаффузида такрор-такрор эшитгим келаверганидан», — деган эди бир киномухлис. Менимча, бу ҳам дубляж заҳматкашлари меҳнатига берилган баҳо, муҳаббатли эътибор. Шундай эмасми?

* * *

Қадрли Мукамбар опа! Кадр орти маликаси, дубляж қироличаси! Бир воқеани сизга айтиб берай. Суратингиз қўлимда эди. Редакцияга пойтахт нафис санъат лицейининг бир гуруҳ ўқувчилари келиб қолишди. «Ким бу истараси иссиқ актриса?» дея сўрашди. «Мукамбар опа Раҳимова» жавоб бердим. Улар бирданига «Вой, киноларда овоз берадиган Мукамбар Раҳимова-я, шуларми?!» дея ҳаяжонланиб суратингизни қўлларига олишди. Қўлма-қўл қилишди. «Ҳамма киноларда овоз берганлар» дейишди улар худди бировга уқтираётгандек.

«Ие, баъзи кунлари оппоқ румол ўраб кичкинтойларга «Оқшом эртаклари»ни ҳам айтиб берадилар, овозлари ўхшаётувди-я, фақат номлари ёзилмайди-да», — деди бири.

Ҳа, улар сизни севишар, танишар, овозингдан ажратиб олишар экан. Демак, ҳамма танийди.

Сизга сиҳат-саломатлик, ижодий ютуқлар тилаймиз, фарзандларингиз, киномухлислар бахтига соғ- саломат бўлинг.

Турсуной СОЛИЕВА.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0198.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топширш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй